O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 30 сентябрь, № 192 (4091) Шанба

Устоз отангдан улуғ, деган нақлда халқимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга бўлган самимий эҳтироми намоён. Истиқлол йилларида бу шарафли ва масъулиятли касб соҳибларини эъзозлаш, улар меҳнатини қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишга узоқ йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилган фахрий ўқитувчилар, ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушган ёш педагоглар, жонкуяр мураббийлар, моҳир педагоглар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта билимли, мустақил фикрли, комил шахс бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият ва шароит муҳайё этилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самараси ўлароқ, юртимизда минглаб янги мактаблар қад ростлади, эътибор талаблари қайта реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек заҳматли ва эзгу ишга бағишлаган сиз, азизларни — меҳри дарё, фидойи ва саховатли инсонларни бугунги табаррук айём — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана, ўн йилдирки, юртимизда ушбу қутлуғ сана — 1 октябрь кунини умумхалқ байрами сифатида катта тантана билан кенг нишонлаш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунасидир.

Бу ҳақда гапирганда, табиийки, ҳар биримиз — қаерда, қандай касбу кор, қандай лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, ҳар қайсимизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдирган мактаб бағрида кечган беғубор ёшлик йилларимизни энг ширин дамлар сифатида эслаймиз, бизга нафақат билим, айни пайтда одамийлик илмидан сабоқ берган устозлар олдида самимий ҳурмат-эҳтиром туйғусини яна бир карра ҳис этамиз.

Шу маънода, маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, она тилимизда "мактаб кўрган", "мактаб яратган" деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Башарият тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда мактаб-маориф масаласи жамиятнинг доимий эътибор марказида турса, қайси халқ, қайси миллат ёш авлод тарбияси устида узоқни кўзлаб тинимсиз иш олиб борса, шу юртнинг фарзандлари элнинг чинакам ғурури ва ифтихорига айланади.

Мамлакатимизда азиз ўғил-қизларимизнинг иқболи ва истиқболини ўйлаб ҳаётга жорий этилаётган, халқаро миқёсда эътироф қилинаётган ислоҳот ва улкан дастурларимиз — янги-янги замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини, қадр-қимматини жойига қўйиш ва уларни муносиб рағбатлантириш йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўз ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Айниқса, кейинги йилларда "Мактабга эътибор — келажакка эътибор" деган олижаноб шиор юртимизда кенг тарқалиб, устувор давлат сиёсати ва умумхалқ ҳаракати сифатида ҳаётда ўзининг амалий аксини топмоқда.

Истиқлолимизнинг ўтган ўн беш йили давомида, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу табаррук заминимизда истиқомат қилаётган одамларнинг онгу тафаккури тубдан ўзгаргани, уларнинг қалбида шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги куни учун мен масъулман, деган даҳлдорлик туйғусининг тобора кучайиб бораётгани биз бугун қураётган жамиятнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай фикрлашни шакллантиришда, фарзандларимизни ўз мустақил фикрига эга, она юртига садоқатли, фидойи, ҳушёр ва сезгир инсонлар этиб тарбиялашда астойдил меҳнат қилаётган барча муаллим ва мураббийларнинг беқиёс ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Азизларим, қадрдонларим!

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қалбларингизни ишонч, эзгулик ва маърифат нури ҳеч қачон тарк этмасин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар борасида амалга оширилган ишлари хусусидаги масала кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Таъкидланганидек, мазкур вазирлик идораларига 2005-2006 йилларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига доир ўн мингдан ортиқ ҳат ва сўровномалар, мурожаатлар келиб тушган ва тегишли тартибда кўрилган. Шунингдек, вазирлик ҳузуридаги Юристларнинг малакасини ошириш маркази томонидан халқаро ҳуқуқий муносабатлар бўйича 19 та махсус ўқув дастури ишлаб чиқилган бўлиб, улардан мутахассисларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги малакасини оширишда фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, мажлисда 2002 йилда қабул қилинган Кишинев конвенциясини имзолаш ва ратификация қилиш, шундан келиб чиққан ҳолда жиноят ва фуқаролик-процессуал кодексларига ҳуқуқий ёрдам билан боғлиқ қўшимча меъёрларни киритилиши зарурлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Олий Мажлис Сенатида "Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг ўзаро алоқа ва ҳамкорлиги: ўзаро бир-бирини тийиш ҳамда мувозанатни сақлаш тизими" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Юқори палата Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан ибораттиги баён қилинган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими — уларнинг ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор. Зеро, ушбу ҳокимият органлари ўз фаолиятида ягона мақсад бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга интилади.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б. Жамолов, Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Х. Азизов, адлия вазири ўринбосари Ҳ. Исоқовларнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг ўзаро мувозанати ва чекловлар, давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тийиш тизимидаги ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз палаталари қисқа муддатда самарали фаолият олиб борди. Ва бу борада етарли тажриба тўпланди. Шахс ва жамият эркинлигини таъминловчи бир нечта янги қонунлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда ана шу қонунлар асосида фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазаси, инсон қадри, шаъни таъминланмоқда. Мазкур ҳужжатлар қуйи ва юқори палаталарининг ўзаро ҳамкорлиги туфайли юзага келди ва амалиётда кенг ўрин олмоқда. Тадбирда айни шу хусусда сўз юритилди. Хусусан, суд ҳокимиятида Конституциявий иш юритиш тартибида қонун чиқарувчи ҳокимият устидан ва маъмурий иш юритиш тартибида ижро ҳокимияти устидан назорат олиб бориш механизмининг пайдо бўлиши ҳокимиятлар бир-бирини тийиб туришини реал таъминлади ҳамда суд ҳокимиятининг давлат қурилиши механизмидаги салоҳиятини янада оширди.

Дарҳақиқат, ҳокимиятлар ўрасида мувозанатни сақлаш ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш тамойили фақатгина ҳокимиятлар ўртасидагина қолиши мумкин эмас. Яъни, бу муайян ҳокимият тизимининг ичида амал қилиши керак. Ва бу амалиётда ҳам худди шундай. Шу ўринда тадбир иштирокчилари суд ҳокимияти тўғрисида фикр билдириб, суд ҳокимияти ва мустақиллигини эътироф этган давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиш принципи қотиб қолган бир ҳодиса эмаслигини, балки ижтимоий муносабатларнинг ривожига мутаносиб равишда шаклланиб, ривожланиб борувчи жараён эканлигини қайд этишди.

Қизғин баҳс-мунозарадан сўнг, ушбу масалалар юзасидан билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди ва қўмита хулосаси тайёрланди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва бизнесни ташкил этишда хабардор қилиш тизимига ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолияти натижалари муҳокама қилинди.

Номлари юқорида келтириб ўтилган идораларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим усувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси ҳамда жорий йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилинди.

Сенат қўмиталарининг қўшма мажлисида идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Унда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини кўздан кечириш, уларни зарур бинолар, компьютер техникаси, ахборот материаллари билан таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ҳақидаги тегишли талабномаларини қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи идоралларга узатиш учун туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи идоралар ўртасида электрон почта алоқасини ташкил этиш бўйича қилинган ишлар эътироф этиб ўтилди. Шунингдек, минтақаларда аҳолини, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимларини жалб этган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тушунтириш юзасидан семинарлар ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шулар билан бир қаторда, ташкил этилаётган семинарларда ва оммавий ахборот воситаларида, айниқса, минтақаларда бу масалалар юзасидан тушунтириш ишларининг самарадорлигини янада ошириш зарурлиги сенаторлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сабаби, кўп ҳолларда тадбиркорларнинг давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби афзалликлари ва хусусиятларини жойларда ҳали яхши билмасликлари кузатилмоқда. Техника ҳамда кадрлар билан таъминлаш даражаси тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш муддатлари ва мазмунига тўлиқ мос келмайди. Бундай тартибни олис туманлар ҳамда қишлоқларда жорий этиш имкониятлари ўрганилмаган.

Муҳокама якунлари бўйича бу соҳада қонунга амал қилишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Миллий боғда муаллимлар мусобақаси

Ўтган йили Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида енгил атлетиканинг эстафета тури бўйича мусобақага асос солинганди.

Устозларни спортга кенгроқ жалб этиш мақсадида уюштирилган эстафета мусобақалари бу сафар уч босқичда бўлиб ўтди. Унинг биринчи ва иккинчи босқичларида минглаб муаллим ва мураббийлар ёшларга билим бериш билан бирга, спорт соҳасида ҳам ўрнак бўлишларини намойиш этдилар. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, республика енгил атлетика федерацияси мусобақанинг ҳар томонлама юқори савияда ўтишида яқиндан ёрдам берди.

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида эстафета мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Республика босқичида туман ва вилоят саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтган саксон нафардан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар ўзаро куч синашди. Унда Тошкент шаҳри терма жамоаси вакиллари марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтдилар. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Наманган вилояти вакилларига насиб этди.

— Илгари турли танловларда билим ва тажрибаларимизни синовдан ўтказардик, — дейди Наманган шаҳридаги 31-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Гулнора Мамаева. — Бугун республикамизнинг барча жойларида спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиб берилмоқда. Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишига ёрдам беради. Шунча шароит яратиб берилган экан, энди биз ўзимиз спортни оммалаштиришга ҳисса қўшишимиз, ўқувчиларимизга ўрнак бўлишимиз керак. Ўтган йили еттинчи ўринни олгандик, бу йил учинчи ўрин насиб этди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Халқ таълими вазири Т. Жўраев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (сурат)
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Битта гап

Виктор САДОВНИЧИЙ,
М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори:

Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва олий мактабнинг янги давридир.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

БИЛИМ МАШЪАЛИ КЕЛАЖАК ЙЎЛИНИ ЁРИТАДИ

Маълумки, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилингач, таълим тизимида кенг миқёсда ислоҳотлар бошланган эди. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми бўлган, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармон мамлакатимизда бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида тарихий воқеа бўлди. Аслида таълим соҳасида бундай ислоҳотлар мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб амалга оширилаётган эди. Ўқитувчи ва мураббийлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Бундай эътибор собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа давлатларда кузатилмаганлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Таълимни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг ижросига киришилгач, ўтган давр мобайнида 97968 нафар халқ таълими ходимига давлат уйлари бепул хусусийлаштириб берилди, 21946 нафар ходим номига эса ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар ҳужжатлаштирилди. 35841 нафар педагог ходимга шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратилди.

Ўқитувчи ва мураббийлар маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантирилаётганини айтсак айни муддао бўларди. Хусусан, "1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб эълон қилиндики, уни умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлаймиз. Йил сайин юзлаб таълим фидойиларига давлатимизнинг энг нуфузли мукофотлари топширилаётганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда илм-фан, таълим соҳасига дахлдор бир қатор фахрий унвонлар тавсия этилганлигини ҳам эслаб ўтишимиз жоиз.

Тарбияда тарғибот муҳим

Амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида кейинги пайтларда бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Мисол учун, Самарқанд вилоятида жорий йилнинг 23-24 февраль кунлари 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган "Умуммиллий дастур — келажак пойдевори" мавзуидаги матбуот конференциясини олайлик. Унда марказий оммавий ахборот воситаларида таълим соҳасини ёритувчи 50 дан ортиқ журналист иштирок этди. ОАВ ходимлари Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини матбуот саҳифаларида, эшиттириш ва кўрсатувлар орқали билдирдилар.

Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик шодиёнаси арафасида бир гуруҳ журналистлар Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бўлиб, улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан мактаблар қурилиши билан танишиб қайтдилар.

Ушбу гуруҳ таркибида водий вилоятларидаги мактабларни томоша қилдик. Зеро, кўрса кўргудек бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Сафар чоғида, айниқса, маҳаллий аҳолининг ёшу қариси бирдек қувонив айтган мана бу гаплар бир умр ёдимдан чиқмаса керак: "Мактаб сўзини катта ҳарфлар билан ёзиб қўядиган давр келди!"

Аниқроқ айтсак, бу гапни Учкўприк тумани, Тўқсонқовун қишлоғида бутунлай янгича қиёфа касб этган 35-мактаб ўқитувчилари айтишди. Бири-бирига гал бермасдан, қувончдан сўзлаётган, мактабга эндигина қадам қўяётган ўқувчидек ҳаяжонланаётган устоз-мураббийларнинг бу гапларидан таъсирланмай бўладими?! Зотан, улар бугун таълим соҳасида, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан хайрли ишлар амалга оширилаётганини теран тушунишади. Модомики шундай экан, бу, албатта, биринчи навбатда, ўқитувчиларимиз қалбига олам-олам қувонч бағишлайди.

Асосий муддао — амалиёт

Маълумки, таълимдаги ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад, мактабларда таълим самарадорлигини юксалтириш, ўқувчиларда юқори салоҳият соҳибларини кўриш ва давлат таълим стандартлари талаблари ижросини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш борасида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"да белгиланган асосий йўналишлар бўйича талай ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2006 йилда республика бўйича жами 1329 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган бўлиб, бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси томонидан жами 207,7 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Айни пайда бундай катта режани амалга ошириш борасида юртимизнинг марказий шаҳарларидан тортиб энг чекка қишлоқларда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.

Табиийки, мактабларимиз нафақат ташқи кўриниши, шу билан бирга ички жиҳозланиши билан ҳам мукаммал бўлиши муҳимдир. Сифатли мебель ва техник жиҳозлар ўқувчининг мукаммал билим олиши учун асқотиши турган гап. Ана шу эҳтиёжни қондириш борасида ҳам ҳукуматимиз ташаббуси билан бир қанча кўргазмалар ташкил этилди. Жорий йилнинг 13-20 март кунлари "ЎзЭкспоМарказ"да, 12-16 июнда "Умид" номли болалар спорт мажмуасида "Умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлари учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари" деб номланган кўргазмалар ташкил этилгани фикримиз исботидир. Шунингдек, 15 августда Республика ўқувчилар саройида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларининг устахона ва ўқув лаборатория синфлари учун чет элдан келтирилган асбоб-ускуналар кўргазмаси бўлиб ўтди. Албатта, ушбу кўргазмаларда мутахассис ва мутасаддилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар тақдим этилган маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади, тадбиркорлар орасида соғлом рақобатни кучайтиради.

Директор жамғармаси

Мамлакатимиз Президентининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жами 9748 та умумтаълим муассасаларида Директор жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма ҳисобидан илғор педагогик технология асосида таълим бераётган, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари машғулотларни фаол олиб бораётган, таълим-тарбия ишида жонбозлик кўрсата олган ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўланадики, бу усул таълим тизимида илк бор қўлланилаётганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Дарвоқе, Фарғона водийси мактабларига қилган сафаримиз чоғида кўпгина мулоҳазалар, самимий истаклар изҳор этилди. Биз — ОАВ ходимлари мактабларимизнинг кундан-кунга янгича мазмун касб этаётгани ҳақида бир-биримизга гал бермай фикрлашаётган эдик. Аммо, устоз ўқитувчилар яна бир ибратли гапни айтишди: "Бугун нураб қолган мактабларни излаб ҳам топиб бўлмайдиган ислоҳотлар амалга оширилаяпти! Эски мактаблар янгиланаяпти, ҳамма жойда маърифат кошоналари қад ростлаяпти. Фақат мактаб биноси қуриш эмас, таълим тизимини такомиллаштириш, дарсликлар таъминоти, ҳаттоки ўқитувчининг маошигача бўлган масалалар ҳукуматимиз назарида. Бундай эътибор ўз мевасини бермасдан қолмайди, иншооллоҳ!"

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Битта гап

Бўта УСМОНҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси:

Мен шу пайтгача энг оғир касб темирйўлчилик деб ҳисоблардим (Ўзим шу соҳадан пенсияга чиққанман-да). Яқинда набираларим ўқийдиган 17-мактабда Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров билан учрашувдан сўнг мутлақо бошқа хулосага келдим. Дунёда энг машаққатли соҳа — инсон тарбиясига жавобгар бўлган касб — ўқитувчилик экан.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълим мазмунини сифат ва мазмун жиҳатидан янги поғонага кўтариш мақсадида илм масканларини замонавий ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш асосида ўқув дастур ва режаларини, адабиётларни янгилашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳалқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи бир неча баробар оширилгани, таълим стандартларига мувофиқ педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига кўплаб иқтидорли ёш мутахассисларнинг келиб қўшилишида муҳим омил бўлди. Соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли, ўз касбига содиқ ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб- қувватлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмининг жорий этилиши ёш авлодни камол топтиришда педагогларнинг масъулияти ва шахсий ҳиссасини ошириш ва кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Фармонига мувофиқ соҳада самарали меҳнат қилаётган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ўқитувчи, мураббий ва педагогларнинг катта гуруҳи давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Бу йил биринчи марта "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси " кўрик-танлови 25 фан йўналиши бўйича ташкил этилди. Танловда ғолиб чиққанлар орасида "Она тили" бўйича Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Дилором Холмирзаева, "Тасвирий санъат ва чизмачилик" бўйича пойтахтимиздаги 218-мактаб ўқитувчиси Жаҳонмурод Рўзиев, "Иқтисодий билим асослари" фани бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси Азиз Қўшбоев сингари илғор ўқитувчилар бор. Йиғилишда ғолибларга махсус совринлар топширилди.

Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Э.Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Бу таълим кошонасининг кечаги куни ва бугуни ўртасида катта фарқ бор. Бундан қирқ йил аввал мактаб-интернат биносида ташкил этилган билим юртида бор-йўғи 60 ўқувчи ўқиган бўлса, бугун унинг бағрини 2900 нафар йигит-қиз тўлдириб турибди. Замонавий биноларда ўқув базалари билан биргаликда 150 ўқув хоналари бўлажак шифокорлар хизматида.

КОЛЛЕЖНИНГ ТАШХИС МАРКАЗИ

— Янги бинога кўчиб ўтишимиз ҳар томонлама имкониятларимизни кенгайтирди, — дейди коллеж директори Хикматилла Шукуров. — Ўқув хоналаримиз мутахассисликлар бўйича энг замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Асосий фанлар — кимё, биология ва физика хоналарида ҳамма шароитлар муҳайё. Японияда ишлаб чиқарилган 100 дан ортиқ тренажёр, тиббий асбоб-ускуналар олдик. Жиҳозланиш даражасини янада ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни қўллаш давом этмоқда.

Дарвоқе, Каттақўрғон тиббиёт коллежида кейинги йилларда катта ижобий ўзгаришлар қилинди. Тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилган замонавий бинога кўчиб ўтилиши таълим жараёнининг чуқурлашувига хизмат қилди. Ҳам ўқитувчилар, ҳам талабалар ўртасида кўплаб кўрик-танловлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ўқитувчиларнинг 95 фоизи малака ошириш курсларида билимларини бойитиб келишди. Бундан ташқари, коллежда «Доимий ҳаракатдаги малака ошириш» ишлари ташкил этилиб, унда ўқитишнинг илғор усулларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича маърузалар, семинар-тренинглар ўтказиб турилади.

Бугун эса коллежнинг ўз диагностика-даволаш мажмуаси ишга туширилди. Икки қаватли бинода жойлашган бу даволаш масканида беморлар учун ҳамма имкониятлар муҳайё. Хоналар энг замонавий ташхис қўйувчи ва даволовчи тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозланган. Стоматология, физиотерапия, юрак хасталиклари каби кўплаб соҳалар бўйича беморларга малакали шифокорлар хизмат кўрсатишади.

Бу мажмуанинг очилишидан асосий мақсад коллежнинг моддий-техника базасини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бойитиб, ўқув жараёнига янги, замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда бўлажак шифокорларни ана шу замонавий аппаратларда ишлашга ўргатишдир.

Диагностика-даволаш мажмуасида бўлганимизда бир неча беморлар билан суҳбатлашдик. Улар бу ердаги шароит вилоят марказидаги энг намунали шифохоналардагидан қолишмаслигини айтишди.

Айтиш мумкинки, коллежда ҳашар йўли билан ишга туширилган катта теннис корти, замонавий ускуналар билан жиҳозланган спорт зали ва яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш учун маблағ топишга жамоанинг ўзи ҳаракат қилмоқда. Хуллас, улардан фақатгина таълимдаги жонкуярликни эмас, тадбиркорликни ҳам ўрганса арзийди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дил изҳори

Севимли устозимга!

Ҳар бир инсон ҳаётида бирор ютуққа, даражага эришишида уни қўллаб-қувватлаган, йўл кўрсатган одамлар бўладики, бу улуғ зот олдидаги қарзни ҳеч қачон узиб бўлмайди. Менинг ҳаётимда ҳам шундай қадрли, ҳаттоки, ота ўрнида ота бўлиб тарбиялаган устозларим кўп, албатта. Улар менинг шундай халқимга хизмат қиладиган даражага етишишимга сабабчи бўлдилар. Ана шу улуғ устозларим қаторида мактабда ўқиб юрган, санъатга илк бор меҳр қўйган, эндигина тетапоя қилган пайтимда қўлимдан тутган бир инсонни асло унутолмайман.

Қадрли устозим, шаҳрихонлик Толибжон ЗОКИРОВ! Бугун бутун юртимиз бўйлаб халқимизда аллақачон энг азиз айёмлардан бирига айланиб улгурган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни нишонланаётган кунларда Сизни байрам билан чин қалбимдан муборакбод этмоқчиман. Сиз оддий бир болакайда истеъдод яратган, мусиқа илми билан бирга, ҳаёт мактабидан ҳам дарс берган инсонсиз. Айнан Сиз менда санъатга, қўшиққа, ижодга ихлосим уйғонишига, менинг беғубор қуй-қўшиқлар оламига кириб келишимга сабабчилардан бирисиз.

Қўлимга илк бор соз тутқазган қадрли устозим! Мен ва мен каби ўнлаб шогирдларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг!

Шогирдингиз
Озодбек НАЗАРБЕКОВ.

Танлов

— Ҳар гал меҳрибонлик уйи ёнидан ўтаётганимда мени нимадир тортарди шу ерга, — дейди Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик уйи ўқитувчиси Ойбек Неъматов. — Ҳовлида асфальтга расм солиб чуғурлашаётган болакайларга бефарқ бўлолмасдим. Ниҳоят, мен уларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ бера бошладим. Жажжи шогирдларим Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Мурғак қалблар орзуси

Ёш бўлишига қарамай кўпгина шогирдлар етиштираётган Ойбек, мана учинчи йилдирки, ўз ўқувчиларини "Менинг ватаним — менинг дунём" кўрик-танловида қатнашиш учун пойтахтга олиб келди.

Шу йилнинг июль, август ойларида республикамиздаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида эълон қилинган мазкур танлов Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси молиявий кўмагида Музейлар кенгаши томонидан ташкил этилганди. Ундан мақсад ота-она меҳридан мосуво бўлган кўнгли ўксик қалбларнинг нафақат санъат бобидаги истеъдодига, балки уларнинг Ватан ҳақидаги тасаввурини қай тарзда изҳор этишига эътибор қаратиш, болакайларни муносиб тақдирлаш эди. Куни кеча ушбу танловнинг якуний босқичи пойтахтимизнинг "Гранд Орзу" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Кўрик-танловда жами 15 та меҳрибонлик уйидан 500 га яқин ўғил-қиз иштирок этди. Таниқли санъатшунослар ҳамда тадбир аъзолари расмларни саралар экан, ёш қаламкашларнинг ватанга бўлган самимий меҳри, тасвирий санъатга қизиқиши нақадар чексиз эканини эътироф этдилар.

— Бу суратда мен табиат манзаралари билан бирга бувимни тасвирлаганман, — дейди танловнинг 15 ёшли иштирокчиси Азизжон Фаттоҳов. — Табиатни онага ўхшатишади, мен эса ҳар сафар она табиат деган сўзни эшитганимда меҳрибон бувим кўз олдимга келади. Уларнинг ҳар иккисини бир-бирига ўхшатавераман.

Ҳа, кўрик-танлов қатнашчилари тажрибали рассом бўлмасалар-да, уларнинг ўз фикрлари, тасвирлаган ҳар бир суратлари орқали айтмоқчи бўлган гаплари бор. Кўргазмага қўйилган ватан, гўзал табиат, она ва бола, тарихий ёдгорликлар мавзусидаги кўпгина суратлар фикримизга асосдир. Озод Орзибоев, Ҳасан Эшмуродов, Наргиза Баратова, Нодир Усмонов, Каролина Гузашвили, Санжар Мурхабинов, Бекпўлат Тожибоев каби ўқувчиларнинг асарлари тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар эътирофига сазовор бўлди. Суратларда мурғак юракларнинг орзуинтилишлари, ён-атроф, одамларга бўлган муносабатлари ўз ифодасини топган. Ҳар бир тасвир ўзига хос, уларнинг ҳар бирида самимий, покиза туйғулар ифодаси уфуриб турибди.

Тадбир сўнггида кўрик-танловнинг якуний босқичида ғолиб топилган энг сара ишлар эълон қилинди. Унга кўра 1-ўрин самарқандлик Парвез Жўраевга, 2-ўрин қашқадарёлик Руслан Ивановга, 3-ўрин жиззахлик Озод Орзубоевга насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

М. ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Модернизация — сифат кафолати

«Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятида чигитни қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш, маҳсулот сифатини дунё андозаларига мослаштириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ёғ-экстракция корхоналарининг раҳбарлари, мутахассислар, чет эллик ҳамкорлар иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари «Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамияти цехларида ўрнатилган замонавий ускуналарнинг ишлатилишини, технологик жараёндаги ўзгаришларнинг маҳсулот сифатини яхшилашга таъсирини амалда кўздан кечирдилар. Шундан сўнг маърузалар, мулоқотлар бошланди. Республика Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси Маматисоқ Ғофуров ва бошқа нотиқларнинг сўзларида соҳани янада тараққий эттириш йўллари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида батафсил фикр юритилди. Украинадаги «ТАН» фирмаси вакили Анатолий Бондарчук Ўзбекистондаги ёғ-экстракция корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик самаралари ҳақида гапирди.

Семинар-кенгашда аҳолига етказиб берилаётган пахта ёғининг сифатини халқаро андозалар даражасида бўлишини таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб муаммолар ва ечимлар муҳокамаси

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг анжуманлар залида бизнес-форум бўлиб ўтди. Фискал сиёсатни такомиллаштириш бўйича ташкил этилган ушбу тадбир республика Савдо-саноат палатаси, БМТ Ривожланиш дастурининг «Солиқ тизими ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш» лойиҳаси ҳамда Ўзбекистондаги Франция элчихонасининг Иқтисодий ваколатхонаси томонидан уюштирилди.

Тадбирда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидландики, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтказилган корхоналар яқин-яқингача ўртача 5 хил солиқ тўлар эди. Ўтган йилнинг июнидан бошлаб ушбу тизимда ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёз туфайли фақат битта солиқ турига ўтилди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ходимларни рағбатлантиришга қулайлик яратиб, солиқ юкини камайтирди, ҳисоб-китоб ҳамда солиқ ҳисоботларини топшириш жараёнига сарфланадиган вақтни тежади. Энг асосийси, ҳисоб-китоб ишларининг соддалаштирилиши солиққа тортилиш базасининг тўғри белгиланишини таъминлади.

Солиқ юки миқдори, албатта, тадбиркорлик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан олганда, «Ягона солиққа ўтишда унинг юки қандай ўзгаради?» деган савол туғилиши табиий. Тадбир иштирокчилари шунга доир кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар. Солиққа тортиш тизими танловида қиёсий таҳлил, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимида корхоналарнинг солиқ мажбуриятларини бажаришининг чиқимларини баҳолаш, ҳисоб-китоб юритиш ва уни қўллашда халқаро тажрибанинг аҳамияти ва 2007 йилда Ўзбекистон солиқ тизимида ислоҳотнинг амалга оширилиши шулар жумласига киради.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар тадбиркорларнинг солиққа тортиш борасидаги муаммоларини ечиш ҳамда янги таҳрирдаги Солиқ кодексига қўшимчалар киритишда эътиборга олинади.

Б. ФАЙЗИЕВ.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Яккатут — Яйпан билан Қўқон ўртасида шўх-асов Сўх дарёсининг бир ирмоғидаги кўҳна қишлоқлардан бири. Қишлоқнинг довруғини, номини нафақат водий, балки бутун Мовароуннаҳрга унинг сарбаланд усталари ёйишган. Қишлоқда шундай ҳазиломуз гап бор. Бу Кентда уста кўплигидан барча довдарахтлар кесилиб, уй-иморат, маскану мадраса тиклангач, йўлу кўприклар бунёд қилиниб, биргина қадди букик «буқоқ»лари бўртиб чиққан улкан тутгина сақланиб қолган экан. Шунданми, қишлоқ номи Яккатут бўлиб қолган, деган афсоналар юради.

Абдуғани ўрта мактабни битириб, Қўқон шаҳридаги маиший хизмат техникумининг қурилиш бўлимини тугаллаётган кезларида раҳматли онаси ёлғиз дилбандини эл орасида халқ устаси сифатида ном қозонган Қодиржон Ҳайдаровнинг олдига етаклаб боради. Суҳбатдан сўнг бу йигитча уста Абдулланинг фарзанди эканлигини эшитиб, уни ўз шогирдлари сафига қўшади. Шундай қилиб, ўғлининг отасидай машҳур уста бўлишини дил-дилдан истаган онасининг орзулари ушаладиган бўлди.

ЁҒОЧГА БИТИЛГАН ҚЎШИҚ

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ устаси Абдуғани Абдуллаев портретига чизгилар

Ўзбекистон халқ устаси Қодиржон Ҳайдаров ўта талабчан, бу ҳунарни енгилелпи ўзлаштираман, деганларга тоқати йўқ киши эди. У ишига чинакам меҳр қўйганларни ардоқлайдиган, ўсиб-унишига йўл очиб берадиган олийҳиммат инсон эди. Уста ишлаган нақшинкор стол-стуллар, хонтахталар, курсилар, лавҳлар, ҳатто уммон орти мамлакатларидаги энг нуфузли қўргазмалар, музейларни ҳам безаганлиги сир эмас. Абдуғанидаги касбга бўлган садоқати, сабр-тоқат, энг муҳими, ҳар қандай ишга, гулга ўз қувваи-ҳофизаси ёрдамида ёндашиши маъқул келарди. Шу боисдан ҳам Қодиржон ота якка-ёлғиз ўғил — Абдуғанини ўз фарзандидай ардоқлади, қадимий ҳунарнинг сир-асрорларини эринмай ўргатди.

Абдуғани устози билан ўн йил ёнма-ён меҳнат қилди. Уста Қодирнинг яна бир ўзига хос бошқа меъморларга ўхшамайдиган хислати бор эди. Агар шогирдларидан бирини комил уста, бу касбни чинакам ардоқлайдиган инсон бўлиб етишганини билса, унга мустақил ишлашга фотиҳа берар, қўлидан келганча устахона, шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қиларди. 1982 йили у Абдуғанига оқ фотиҳа берди. Бунга қадар ҳам Абдуғани нафақат аҳли Ҳўқанд, балки унинг атрофидаги қишлоқлар, водий меъморлари орасида ҳам танилиб қолган эди.

Абдуғанининг чинакам халқ устаси, ёғочга тил бағишлаб табиий жилолар бахш этиш сир-асрорларини ўрганишида Қўқон миллий ҳунармандчилиги, ёғоч ўймакорлиги санъатининг таъсири катта. У бу ҳунар тарихини ўрганишга, илдизларини излаб топишга ҳаракат қилади. Ҳатто қўқонлик Ҳайдар ўн еттинчи асрда шаҳарлик усталар тайёрлаган ҳунармандчилик буюмларини олис Европага, Париж шаҳарларига олиб борган, шу боисданми, кейинчалик бу тиниб-тинчимас устани қўқонликлар Ҳайдар фаранг деб аташган экан. Ана шу Ҳайдар фаранг ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланган буюмлар, устунлар, эшикларда илк мартаба ислимий нусхалар, нақшлар, жилолар пайдо бўлганлигини Абдуғани тезда илғади. Худди шу манзарани уч-тўрт аср олдин бунёд этилган Дахман-шоҳон хилхонасидаги битикларда ҳам учратиш мумкин. Кейинчалик бу нусхалардан Абдуғани ўзининг ижодий ишларида фойдаланди. Шу боисданми, унинг ўттиз йиллик фаолияти даврида бунёд этилган ўнлаб, юзлаб иморатлар, муҳташам биноолар, кўркам меъморчилик ёдгорликлари, устунлар, эшикларга фақат ислимий нақшлар билан ишлов бериш, тасвир тушириш анъанага айланиб қолди.

Кўпчилик ёғоч ўймакор усталар тайёр дарахтларга нақш солади, сўнг иморат тиклайди, деб ўйлайди. Лекин усталар нақш солишга ярайдиган дарахт топгунча ойлаб, йиллаб, не-не қишлоқларни, тоғу тошларни, боғу ўрмонларни кезишларини билишмайди. Уста Абдуғани буюртма олиб, иш кўламини аниқлаганидан сўнг энди нақшбоп дарахт излаш тараддудига тушади. Қаерда текис дарахт ўсадиган жой бўлса, ўша ерларни пиёда кезиб, усталар тили билан айтганда, «материал» излайди. Чунки олти метрлик нақшинкор устун чиқариш учун энг камида бўйи 25-30 метр терак, бақатерак, чинор танланади.

Усталар учун ёғочбоп дарахт танлашнинг ўзи бир санъат. Чунки дарахт фақат йилнинг бир пайтида, яъни кеч куз ёки қишнинг дастлабки кунларида кесилади. Дастлаб дарахт танасига қурт тушмаслиги учун пўстлоғи тозаланади. Усти ёпиқ, доимо шамол ўтиб турадиган жойга ости бир текис қилиб терилади. Маълум вақт ўтгандан сўнг дарахтнинг танасидаги сув тортилиб, қайроқ қолга келади. Ҳақиқий уста ёғочни ўта қуритиб юбормасдан, намлик даражаси ҳам етарли бўлган пайтини англаб олиб иш юритиши керак.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида уста Абдуғанининг излари қолган десак муболаға бўлмайди. Бундан чорак аср муқаддам у эндигина мустақил уста сифатида иш бошлаган кезлари Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳрида театр биносини эшиклари ва панжараларини бунёд этиш ёш устага ишониб топширилди. Чўлқуварлар театрининг залворли эшиклари шу қадар жозиба ва нозокат билан яратилдики, гўё бу оддий эшик эмас, маданият қасрининг кўрки бўлиб қолди. Шундан кейин устага буюртмалар ёғилиб кела бошлади. Орадан бир йил ўтиб, Қарши шаҳридаги драма театрининг эшиклари, устунларига ҳам қўқонлик уста жило берди. Кейин эса қўшни Тожикистоннинг Исфара шаҳри ҳамда Чимён воҳасидаги сиҳатгоҳлар устанинг ишларидан кўркамлик ва салобат топди. Чорак аср аввал бунёд этилган бу меъморчилик обидалари кеча бунёд этилгандек жилоланиб турибди. Устани қозоғистонлик ҳамкасблари Аҳмад Яссавий мақбараси ва хилхонасини тиклаш ишларига таклиф қилишди. Уста шогирдлари билан бу ерда ҳам чин дилдан меҳнат қилди. Бугунги кунда ҳам Яссавий ҳазратларининг маҳобатли мақбарасида қўқонлик усталарнинг санъатлари ороланиб турибди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимизнинг буюк алломалари, жаҳон эътироф этган ҳадис илми султонларининг мажмуалари, хилқатлари, обидалари тиклана бошланди. Имом ал-Бухорийнинг Самарқандда бунёд этилган улкан мажмуасидаги барча ишларга уста Абдуғани бош-қош бўлди. Бу ерда тикланган 74 та нақшинкор, шарқона услубдаги устунларни бунёд этди. Кейинчалик Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Нақшбандий мажмуалари, Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорликларини бунёд этишда ҳам уста фаоллик кўрсатди.

Устани Германиянинг олис Ганновер шаҳрида ҳам яхши билишади. Чунки бу ерда салобат тўкиб турган Ўзбекистон чойхонасининг ўн иккита нақшли устуни ҳамда маҳобатли эшиклари шу қадар жозиба ва нафис бўлди. Бу ердаги салобатли айвонга ҳар бири 6 метрли 36 та устун, тикилиб қарасангиз осмон гумбазини эслатадиган 16 та ховузак ва бошқа пештоқдаги ишларни ҳам қисқа муддат ичида уста ва унинг шогирдлари барпо қилишган.

Устанинг яхши одати бор. У қаерда бўлмасин, эски масжидлар, ёдгорликлар, нақшинкор усталар томонидан яратилган биноларни эринмай кезади. Боз устига қаерда нақш берилган устун, ховузак, шарапа қаровсиз ётибди деса бориб, савдолашиб ўтирмай сотиб олади.

— Бу устунлар, эшиклар, панжараларга не-не усталарнинг меҳр қўри, кўз нури тўкилган, — дейди ранги ўчиб кетган, баъзилари тупроқ остидан кавлаб олинган устунларни, эшикларни авайлаб сўз қотади уста Абдуғани. — Уларнинг кўпини Қўқоннинг атроф қишлоқларида, водийнинг бир қатор эски масканларидан йиғиб олганман. Балки буларнинг баъзиларини раҳматли отам ёки унинг устозлари бунёд қилгандир? Бу кўҳна обидаларда уларнинг бармоқ тафтлари, искана, тешаларининг излари қолгандир. Ахир, бу бизнинг ўтмишимиз, тарихимиз, қолаверса, авлодларимиз хотираси-ку?!

Устанинг Республика Бадиий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси, «Ташаббус» танловининг республика босқичи совриндори сингари унвонлари ёнига энди Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон ва шараф ҳам қўшилгани ҳақиқий фидойиликка берилган муносиб баҳо бўлди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУҚУҚБУЗАРНИНГ ШЕРИГИ БЎЛМАНГ

Солиқ хизмати

Кўз ўнгида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликни кўра-била туриб, уни билмасликка олган киши — ўша ҳуқуқбузарнинг шеригидир. Қонунбузарлик ҳолатлари содир этилаётганини билгач, тегишли тартибда масъул идораларга хабар бериш эса фуқаролик бурчимиздир.

Биласиз, бугунги кунда масъул идораларда «Ишонч телефон»лари ташкил этилган. Ўз бурчини бажаришни фарз деб билган, қалбида ватанпарварлик руҳи жўш уриб турган фуқаролар исталган вақтда унга қўнғироқ қилиб, жойлардаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришлари, мавжуд муаммолар бўйича мурожаат қилишлари ёхуд саволларига тегишли жавоб олишлари мумкин. Қўнғироқ қилган шахснинг исми-шарифи эса сир сақланиши кафолатланган. Шундай имконият солиқ идораларида ҳам яратилган.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят солиқ идораларининг «Ишонч телефон»ларида 13 та мурожаат қайд этилди, — дейди Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси «Навбатчилик қисми» бошлиғи Абдували Аҳмедов. — Уларнинг аксарияти назорат-касса машиналарини ишлатмаслик ҳолатлари ҳақида бўлиб, текширишларда бу маълумотлар тўла тасдиқланди.

Мисол учун, Наманган шаҳрининг «Оромгоҳ» кўчасида яшовчи фуқаро 5-кичик туманда жойлашган бозор олдида спиртли ичимликлар сотилаётгани, бироқ шохобчада назорат-касса машинаси йўқлиги ҳақида хабар берганди. Шу асосда текшириш ўтказилди. Кўрсатиб ўтилган манзилда «Ойдин-М» СИЧКга қарашли овқатланиш шохобчаси фаолият кўрсатаётган экан. Солиқчилар текшириш давомида савдодан тушган 32 минг 200 сўм нақд пулнинг назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлигини, 93 минг сўм савдо пули эса банк кассаларига топширилмаганлигини аниқладилар. Натижада ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, молиявий жарима қўллаш учун хўжалик судига тақдим этилди.

«Ишонч телефони»га тушган яна бир маълумот — Чортоқ туманининг «Автошоҳбекат» ҳудудида жойлашган «Автомобиль эҳтиёт қисмлари» дўконида НКМсиз ва тегишли ҳужжатларсиз фаолият кўрсатилаётгани ҳам текширишда тўлиқ тасдиқланди. Дарҳақиқат, мазкур дўкон сотувчиси Исроил Мирзаахмедов ҳеч қандай ҳужжатсиз, ҳаттоки назорат-касса машинаси ўрнатмаган ҳолда савдо билан шуғулланаётган экан. Дўкондан чет элда ишлаб чиқарилган, 41 турдаги, жами 125.7 минг сўмлик ҳужжатсиз маҳсулот далилий ашё сифатида олинди. Айни пайтда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув давом этяпти.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо, афсуски, худди шундай хабар ва маълумотлар ҳамон ҳудудий Давлат солиқ инспекцияларида йўлга қўйилган «Ишонч телефон»ларига ҳам тушмоқда. Демак, уларнинг фаолиятини янада жонлантиришга, қамровини кенгайтиришга эҳтиёж бор. Шу боис солиқ идораларида «Ишонч телефон»ларига энг замонавий алоқа воситалари ажратилиб, масъул ходимлар бириктирилган. Телефон рақамлари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида тез-тез тарғиб этиб борилмоқда. Махсус плакатлар тайёрланиб, аҳоли гавжум жойларга, бозорлар ва савдо шохобчаларига ўрнатиляпти.

Шу ўринда юртдошларимизга яна бир бор уқтириб ўтишни жоиз топдик: солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга оид ҳар қандай маълумот давлат хазинасига тушаётган тушумнинг янада ортишига хизмат қилади. Демак, ҳеч иккиланманг. Дарҳол зарур рақамларни териб, фуқаролик бурчингизни бажаринг. Зеро, «Ишонч телефон»лари ишончингизни оқлашига шак-шубҳа йўқ.

Илҳомжон РАҲМАТОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармасининг матбуот бўйича бош мутахассиси.

«Пахта — 2006»

Амударё хирмони

Амударё тумани деҳқон ва фермерлари Қорақалпоғистон Республикасининг пахтачиликка ихтисослашган туманлари орасида биринчи бўлиб «оқ олтин» тайёрлаш шартнома режасини ёруғ юз билан уддаладилар. Қабул пунктларига 33 минг тонна харидоргир хомашё етказиб берилди. Туманда фаолият юритаётган 538 та фермер хўжалигидан 85 фоизи аллақачон шартнома режасини бажариб бўлди. Уюлган хирмонга Й. ЎРозбоев номли, «Туркманистон», «Тўлқин», «Қиличбой» каби муқобил МТПларга бирлашган фермерлар муносиб улуш қўшдилар. Илғор фермер Улуғбек Ўрозбоев ҳар гектар ердан 36 центнер ҳосил йиғиштириб олди.

— Биз илк бора минг гектар ерга эртапишар «Омад» ғўза навини экдик. У ишончимизни тўла оқламоқда. Келгуси йил унинг майдонини беш бараварга кўпайтирамиз, — дейди туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. — Ҳозирнинг ўзида даромадимиз 12 миллиард сўмга яқинлашди. Ялпи хирмонимизни 40 минг тоннага етказиш харакатида пахтакорларимиз куч-ғайрат кўрсатишмоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар йилдан-йилга кўпроқ самара бераётгани, қишлоқда мулкка, меҳнатга муносабат ўзгараётгани қувончли ҳол, албатта.

Таъкидлаш жоизки, Андижон тумани ҳокимлиги томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, шунингдек, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Муҳими, ана шу эътибор ўз натижасини бераётир. Мисол учун, туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъекти ва фермер хўжаликларидан 3 таси турли йилларда республика кўрик-танловида биринчи ўриннни эгаллади.

Айни пайтда ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида ҳам муайян тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, Куйганёр шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Ёрқиной Жалолова ўз хонадонида хотин-қизларни бичиш-тикиш, пазандачиликка ўргатиб келарди. Ҳунарга иштиёқманд ёшларнинг кўпайиши эса ушбу йўналишдаги янги ўқув марказига асос яратди. Ҳозирда бу ерда 30 нафардан зиёд қиз ҳунар сирларини қунт билан ўрганмоқда.

СУРАТДА: Ёрқиной Жалолова шогирди Нафиса Султонова билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Маҳалла тадбиркорлари

Андижон шаҳридаги Уйғуробод маҳалласида ҳунармандлар кўпайиб, гузарлар ободонлашиб бормоқда. Маҳалладаги уч юз нафардан ортиқ аҳоли миллий ҳунармандчиликнинг йигирмадан зиёд тури билан шуғулланаётир. Шулардан бири Нодирбек Қулматовдир. Қўли гул йигит икки йил муқаддам бўш ётган бинода мебель цехи ташкил этди. Маҳалладошларидан 12 нафари унинг ёнига кирди. Ётоқхона жиҳозлари, шкаф ва шифонерлар, стол-стуллар мажмуалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Мебелсозлар эришаётган ютуқларни шундан ҳам билиш мумкинки, улар эндиликда Самарқанд, Тошкентдан ҳам буюртмалар олмоқдалар.

Сирожиддин Юсупов тунукасоз уста сифатида машҳур. Бугун у оила аъзолари билан ўн турдаги хўжалик буюмларини тайёрлаётир. Айни дамда йигирмадан ортиқ уйғурободлик ёшларга ҳунар ҳам ўргатаётир.

Маҳалла ўз гулчиси, чевари, сартароши, новвойи, ошпазига эга. Яқиндан бошлаб аёллар касаначилик асосида дўппи, кўрпа-ёстиқ тикишни ҳам бошлаб юборди. Рўзғорга барака кираётгани аслида шу-да.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мавзуга қайтиб

"Янги йил бошида филиалга Ўрозбой Кенжаев бошлиқ бўлиб келди-ю, бошимга кутилмаган балолар ёғилди. Пулнинг қолганини сўраб борганимда, у кредит олишнинг ўзига яраша "йўл-йўриғи" борлигини эслатиб, ғалати бир таклиф айтди. Мен кўнмадим. Оқибати яхшиликка олиб бормади. Ҳаял ўтмай, бутун ҳаётим алғов-далғов бўлиб кетди..."

Сунъий тўсиқ энди йўқ

Гулистондаги "Ҳосилот" хусусий корхонаси раҳбари Алишер Бойматов таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида ана шундай изтиробли жумлаларни битган эди. Бу ҳақда «Халқ сўзи»нинг 12 июль сонида босилган "Сунъий тўсиқ" сарлавҳали мақолада батафсил баён этилганди. Чунончи, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сирдарё вилояти минтақавий филиали "Ҳосилот" билан 2003 йил 29 декабрда имзоланган кредит шартномаси шартларига риоя қилмагани, устига устак, хусусий корхона муқаддам ўзига ажратилган сармояни гўёки мақсадсиз ишлатгани тўғрисида ҳужжат ҳозирлагани, оқибатда Алишер бошқа мижозга берилган пул маблағларини ҳам бир гуруҳ бўлиб талонторож қилганликда айбланиб, ноҳақ судлангани ҳақида сўз юритилганди. Шунингдек, у оқлангач, Сирдарё вилояти хўжалик суди томонидан 72,3 миллион сўмга, Жиззах вилояти хўжалик суди апелляция босқичи томонидан 28,6 миллион сўмга чақилган бой берилган фойдани банк филиали раҳбариятининг қаршилиги туфайли ололмай юргани айтилганди.

Шу муносабат билан яқинда Олий хўжалик судининг судлов таркиби раиси Акбар Нарзуллаевдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, "Сунъий тўсиқ"да акс этган низо тарафлар охирги суд қароридан норози бўлиб ёзган шикоятлар ва Жиззах вилояти прокурори ўринбосари киритган протестга асосан Олий хўжалик судида кассация босқичида кўриб чиқилган. Ана шу жараёнда молия шохобчаси ўзаро кредит шартномасини ҳақиқатан ҳам лозим даражада бажармагани, оқибатда 50 миллион сўмнинг 31,8 миллион сўми ажратилмай қолгани аёнлашган. Айни чоғда, апелляция судлов ҳайъатининг

"Бой берилган фойда миқдорининг кўпайиб кетишида даъвогар айбдор. Чунки у кредитнинг қолган қисмини олиб беришни сўраб, судга мурожаат қилмаган" деган хулосаси ҳам ноўрин деб топилган. Сабаби — "Ҳосилот" раҳбари 2004 йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида ссуда ҳисоб рақамидан ўз ҳамкори — "Югра" хусусий фирмаси ҳисобига 31,8 миллион сўм ўтказиш тўғрисида олти марта тўлов топшириқномаси жўнатган. Бундан ташқари, қиш ва кўкламда уч бор билдиришнома юборибди, банкчилардан шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажаришларини сўраган. Талаблари инобатга олинмагач, ўша йил 1 июль куни судга даъво-ариза ёзган. Шунга кўра, вилоят хўжалик судида 12-0406/2142 сонли иш қўзғатилган. Низони кўриш асносида суд экспертизаси тайинланган. Натижада "Ҳосилот" ололмай қолган фойда 75 миллион сўмга тенглиги аниқланган.

Кассация судлов ҳайъати банк вакилларининг "Кредит шартномаси уч ойга мўлжалланган. Даъвогарнинг фойда олиш имконини берадиган, шериклари билан тузган шартномаси эса ушбу муддат тугаганидан кейин расмийлаштирилган. Бинобарин, у биз учун ҳеч қандай мажбурият туғдирмайди" мазмунидаги важини ҳам асоссиз ҳисоблаган. Негаки, филиал ва "Ҳосилот" ўртасидаги шартноманинг 2.2-бандида кредит муҳлати ростданам уч ой эканлиги қайд қилинган эса-да, 6.3-бандида шартнома тарафлар зиммаларидаги мажбуриятларини тўлиқ адо этгунга қадар амалда бўлиши кўрсатилган. Афсуски, жавобгар лафзида турмаган. Бундай вазиятда даъвогар ундан мажбуриятнинг бажарилишини ва бой берилган фойдани тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қолаверса, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2005 йил 6 сентябрдаги ажрими билан Гулистон шаҳар судининг ҳукми ва Сирдарё вилояти суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилинган. Қайта терговда эса 18,2 миллион сўмлик кредит пулини уюшган гурухда ўзлаштиргани, фоизи билан ҳисоблаганда, банкка жами 22 миллион сўмдан ортиқ зарар етказгани юзасидан А. Бойматовга қўйилган айб мутлақо асоссизлиги маълум бўлган. Шу боис унинг зиммасидан чиқарилган. Демак, банк вакилларининг "Ҳосилот" раҳбари 18,2 миллион сўмлик кредит маблағини мақсадсиз ишлатгани учун биз унга қолган пулни бермаганмиз" деган баҳоналари ҳам ножоиз.

Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати ана шуларни назарда тутиб, "Ҳосилот" раҳбарининг шикоятини ва Жиззах вилояти прокурори ўринбосарининг протестини қаноатлантиришни лозим топди. Жиззах вилояти хўжалик суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 31 майдаги қарорини бекор қилиб, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2005 йил 26 декабрдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Шундай қилиб, қиғир ишнинг қийиғи чиқди. Кечикиброқ бўлсада, адолат қайтадан бўй ростлади. "Ўзсаноатқурилишбанк" филиалидан "Ҳосилот"га бой берилган фойда ва пеняси эвазига 72 миллион 311 минг 80 сўм ундириб бериладиган бўлди. Бу — яхши, албатта! Фақат кишини бошқа бир нарса ўйлантиради: Алишер Бойматовнинг ноҳақ судланиб, 134 кун қамоқда ўтиришига, салкам икки йил мобайнида чор тарафга зир югуриши туфайли соғлиғига путур етишига ва қимматли вақтининг ҳавога беҳуда совурилишига сабабчи бўлганлар бундан тўғри хулоса чиқариб олармикинлар? Ишқилиб, эрта бир кун аввалгидек турли-туман баҳоналарни рўкач қилиб, яна ортиқча ташвиш-у нохушликлар келтириб чиқармасмикинлар?

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шукроналик

КЎНГИЛДАГИ ВАТАН ЎЙЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги кўтаринки руҳ билан ўтди. Эл шод бўлди, халқ қувонди. «Ватан» сўзи юракларда гўё қўнғироқдай жаранглаб кетди. Сўз айтгинг келади...

Таниш туйғу

Ҳар бир инсон кўнгилдаги орзу-умидларини ҳамиша авайлаб, асрайди. Уларнинг рўёбга чиқиши учун интилиш ва курашиш баробарида, ниятларига кўз тегмаслигини Яратгандан сўрайди.

Инсон умри давомида авайлаб-асрайдиган, кўз қорачиғидай азиз билган шундай туйғулар борки, уни ошкора тарзда эмас, ич-ичидан, юрагининг тубидан тўлқинлантириб ҳаёт йўлларига ошно қилади. Масалан, оддий бир сўз бор — Асраш. Аслида инсон кўнглида кечадиган шу сўз — туйғу. Зотан, болангизни, оилангизни, яхши кўрадиган одамингизни, илинган жойингизни, элингизни, юртингизни «асраш керак» деган ўй-фикрни доимо ёдда тутасиз.

...Болаликдан таниш бу туйғу инсон вояга етиш жараёнида тобора катталашиб, яна ҳам теранроқ мазмунга эга бўлиб боради. Эсингиздами, илк оёқ олишни ўрганиб, ҳамма нарсага қизиқсиниб, «уста бузармон»ликни бошлаб юборганингизда «тегма, синдириб қўясан, жойига қўй» деган танбехларни эшита бошлаганингиз?

Бу оиладаги ҳар бир нарса муқаддас эканлиги ҳақида сизга ўтилаётган илк тарбия дарсларидир.

Сиз энди мактабга келдингиз. Ёдингизда кўтарилмагандир: «Мактаб мулкини кўз қорачиғидай асрайлик». Ҳар бир нарсани асраш ҳақидаги тушунчангиз янада кенгайиб боради. Ким учун асраш керак деган саволга ўзингиз жавоб топасиз: ўзим учун, эртага мактабга келадиган укам учун, синглим учун. «Яхши ўқисанг, яхши одам бўласан» деб айтган муаллимнинг сўзларини эса беихтиёр дилингизда асрай бошлайсиз. Бу сўзларнинг дарахтга айланишига куч тўплайсиз. Кейин... кейин сиз катта йўлга чиқасиз ва бу дунёда асраш керак бўлган жуда кўп нарсаларга дуч келасиз. Асраганларингиз — сизнинг бахтларингиз, асрай олмаганларингиз эса армонларингиздир.

Озодлик шамолига юз тутиб, кўнглимизда асраган Ҳурриятга 15 йил тўлди, 15 йил кўзимизнинг қорачиғида яшади Истиқлол!

Нима демоқчи эканлигимни тушундингизми, бизнинг кўнглимизда асрайдиган улуғ туйғулар ёнига Мустақиллик ҳам қўшилди. Киприклардан қўриқчи қўйиб, тоза юраклардан йўл солиш керак, бу Мустақилликка!

Зотан асрашни ўрганган халқим эркини асраб яшайди! Бу биз учун таниш туйғуларнинг биридир.

Тўрт кўзимиз тугал

Билибми, билмайми одамзод баъзан рақамлардан ҳам таскин излайди. Айниқса, 7 рақамини хосиятли деб билиши бор гап, 13 рақамидан эса сал ҳавотирланиб қўйишади. Бу рақамлар ҳақидаги тушунчалар бизда илгаридан бормиди ёки кейинчалик кириб келганми билмадим-у, лекин тўрт рақами билан боғлиқ одатлар болалигимда кўп учрарди.

Онам ота-онасини, туғилган жойини соғиниб қолса, отамга «рухсат берсангиз бир тўрт кунимга бориб келсам» дерди. Бунинг тагида қандай гап ётганини ўзингиз тушуниб турибсиз.

Шу тўрт рақами билан боғлиқ яна бир гап ҳеч ёдимдан кўтарилмайди, баъзан ўзим ҳам дастурхон атрофида шу гапни такрорлаб қўяман.

Болалик пайтларимиз эди. Дастурхон атрофида етти фарзанд отам бошчилигида кечки таомнинг сузилишини кутиб ўтирибмиз. Ошхонадан онамнинг овози эшитилди:

— Тўрт кўзингиз тугалми, ошни сузаверайми?

Ҳаммамиз учун кичкинамиз жавоб беради:

— Ҳамма шу ерда.

Шундай қилиб, тўрт кўзимиз тугал бўлиб овқатланамиз, бугунги ишни якунлаб, эртанги куннинг режасини тузаётган ота-онамизнинг гапларига жимгина қулоқ солиб ўтирамиз.

Ёки суҳбатдошим Салоҳиддин фермернинг гапида ҳам «тўрт кўзи тугаллик» бор. Мана у нима дейди:

— Мустақилликнинг ҳам 15 йилидан ўтдик. Яратганга шукр, тўрт кўзимиз тугал бўлиб, шу юртнинг иссиғию совуғига кўниб, дилда бир яхши ният дарахтини кўкартириб, кундан кун бир ўзгаришга одатланиб, илдиз отиб бораяпмиз.

Бу дунёда инсонга тўрт нарса керак, ака. Аввало юртинг тинч бўлсин экан, юрт тинч бўлмаса турган-турмушингда маъни йўқ. Иккинчиси, оиланг тинч бўлсин. Биз баъзиларга ўхшаб уйдан боши эгик чиқиб, кўчада бошини кўтариб юрадиганлар хилидан эмасмиз. Уйимиздан хафа чиқсак, иш ҳам юришмайди барака ҳам қочади. Шунинг учун ўзбекнинг оиласи миссоли қалқон, балои-азимлардан сақлайди, кучига куч қўшади. Учинчиси, соғлиқ. Ҳар бандасининг Худо йўлини олмасин. Ўз оёғи билан эшикдан кириб келсин, ўз оёғи билан чиқиб кетсин. Тўр мучанг соғ бўлса, эгилмаган тоғ қолмайди, гулламаган боғ бўлмайди. Тўртинчиси, барака. Тоғдай топиб, баракаси бўлмаса тоғдай нураб кетганларни кўп кўрдим. Юртимизда барака бор. Баракаси бор юртда эса ҳикмат ҳам кўп.

Салоҳиддин фермернинг гапларига қўшимча йўқ, тўрт кўзи тугал гап!

Элнинг байрами

Мустақилликнинг иккинчи йили ўрталари эди, чамамда. Бир дўстимизнинг туғилган куни муносабати табрик сўзи айтиб, уни ва даврадагиларни яқинлашиб келаётган байрам билан ҳам қутладим. Шунда даврадагиларнинг бири:

— Қанақа байрам? — деб қолди. Ёнидаги одам ҳам «мен ҳам сўрамоқчи эдим, сиз чаққонлик қилдингиз» деб сўз қотди.

— Мустақиллик байрами, Озодлик байрами билан, — дедим мен тантанавор оҳангда. Даврадагилар ва савол берганлар ҳам «ҳа-я, раҳмат» деб кўя қолишди.

Йиллар ўтиб, бугунги кунда ўзимизга хос бўлган йўлни босиб ўтдик.

Ишонасизми, 15 йиллик арафасида, ундан кейин ҳам бир-бири билан учрашган, сўрашган жамики одам бор экан, ҳол-аҳволни суриштириб, «Мустақиллик байрами билан» деб бир-бирларини қизғин муборакбод этишди.

Демак, мустақиллик одамларимиз юрагида илдиз отди, элнинг энг улуғ, энг азиз байрамига айланди.

Катта кўчадан борар экансиз қулоғингизга шундай гаплар чалинади:

— Байрам ҳам бутун бўлди.

— Қуллуқ, юртнинг кўкси баланд бўлсин.

— Илоё, тинчлигимиз абадий бўлсин. Элнинг топганига барака берсин!

— Байрамнинг соғинчи бошқача бўларкан...

— Ҳаммамизга ярашди, бу байрам!

Одамлар бир-бирини кутлаган жойда ҳамиша меҳр-оқибат ва киндик қони тўкилган она тупроққа таъзим бор!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча ҳамкасбларини умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан

чин кўнгилдан муборакбод этади.

Сизга эзгулик ва омад, соғлиқ ва бахт, тинчлик ва фаровонлик, ёш авлод камолоти йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақият ва зафарлар тилайди.

Аёмингиз муборак, азиз ҳамкасблар!

3336Я/2722

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

«Вокзал: «Тошкент-йўловчи» станцияси» объекти учун видеокузатув жиҳозларини етказиб бериш ва кейинчалик монтаж қилиш, созлаш ҳамда ишга тушириш бўйича танлов савдоси (тендер) эълон қилади.

Молиялаштириш манбаи — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖнинг ўз маблағлари.
Буюртмачи — «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ қошидаги Бино, иншоот ва жиҳозларнинг капитал таъмири бўйича дирекция.
Етказиб бериш шартлари — СІР Тошкент шаҳри.
Етказиб бериш жойи — «Тошкент-йўловчи» вокзали.
Етказиб бериш жадвали — аввалдан тўланадиган пул олинганидан сўнг монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш ишларини ҳисобга олган ҳолда 90 календарь куни давомида.
Молиялаштириш шартлари: миллий валютада, аввал 50 фоизгача тўланади, қолган қисми ишлар бажарилгандан сўнг.

Танлов савдоларида таклиф этилган шартларда иштирок этмоқчи бўлган, танлов асосида сотиб олинадиган маҳсулотлар ҳажмини етказиб беришда тажрибага эга, ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) бўлган маҳаллий ва хорижий ташкилот ва муассасалар қатнашиши мумкин.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: видеокузатув жиҳозларини монтаж қилиш ва ишга тушириш ҳуқуқини берувчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган лицензияга эга, танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Жиҳозлар бўйича альтернатив ва айнан ўхшаш таклифлар кўриб чиқилмайди.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Капитал қурилиш бўйича дирекцияга қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Т.Шевченко к., 7-уй, 413-хона. Телефонлар: 138-87-59, 138-88-81.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — эълон чопэтилгандан бошлаб 30 кун.

Танлов таклифлари қуйидаги манзилда очилади: **Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй**, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК биноси.

Оферталар эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин очилади.

Танлов ҳужжатлари нархи — ҚҚС билан 60 000 сўм.

3336Я/2716

Санъат олами

Ўзбек миллий академик драма театрининг бугунги забардаст актёрларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловдир. Кечагина улуғлар этагини тутган Эркин Комилов ўзи бугун устозлар сафида.

Президентимиз ташаббуси билан бутунлай янгича қиёфа касб этган театр даргоҳида етук санъаткорнинг театр ва кино санъати ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

УСТОЗЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

— Эркин ака, театр билан ҳаётингизни боғлаб нималарни топдингиз-у нималарни йўқотдингиз?

— Ўзбекистонимиз пойтахти — Тошкентга катта ниятлар билан келганимда, ҳали ҳеч ким эмас эдим. Шу ерда ўқидим, улуғ даргоҳда устоз санъаткорлар орасида юриб обрў-эътибор, таъбир жоиз бўлса, ўзимнинг ўрнимни топдим. Тўғри, йўқотганларим кўп, лекин ачинмайман. Чунки, мени қўллаётган Ватаним, халқим ва мухлисларим бор.

— Сизнинг "Гирдоб" ва "Абадият қонуни"да Азиз Қосимов ҳамда Бачана Рамишвили каби образларингиз, йиллар ўтса-да, ҳалиям томошабинларимиз эсида, хотирасида муҳрланиб қолган. Нима деб ўйлайсиз, кейинги пайтларда шунга ўхшаш образлар ярата олдингизми?

— Йўқ. Лекин охирги кунларда суратга олиш ишлари якунланган Собир Назармуҳамедовнинг "Соғинч соҳилида" фильмидаги қаҳрамонимни қайсидир маънода сиз айтган образлар қаторига қўшсам бўлади. Ушбу фильмда мен ногиронлар жамиятидаги бош шифокор образини яратдим. Фильмда қўл-оёғи бус-бутун одамларнинг бўлар-бўлмас нарсалардан нолиши қораланади. Уларга тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган ёш йигит-қизларнинг ҳаёти ўрнак сифатида кўрсатилади. Томошабин фильмни кўриб, соғ-саломатлиги учун Аллоҳ таолога шукроналар айтиб ва борига қаноат қилиб яшаш кераклигини англаб етса, бу бизнинг бахтимиз.

— Яқинда бир газетада Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан мулоқотга кўзим тушиб қолди. У кишига россиялик кинорежиссёр томонидан кинога суратга тушиш таклиф қилинибди. Пули ҳам чакки эмас. Адашмасам, кунига уч минг АҚШ доллари. Бироқ, актёримиз уни рад этибди. Сизга шундай таклиф тушганда нима қилардингиз?

— Тўғрисини айтсам, шу пайтгача пул талашиб роль ўйнаган эмасман. Ижро этиладиган образ ёқса, бундай таклифга, ҳатто ундан паст нархга ҳам кўнган бўлардим.

Худди шунингдек, менга таклиф этилган роль халқимиз менталитетига ёт бўла туриб, эвазига бундан-да катта маблағ айтилса, рози бўлмас эдим.

— Кейинги пайтларда кўпгина таниқли актёрларнинг ҳар хил клип ва киноларда роль ўйнаётгани санъат шинавандаларига ботмаяпти...

— Халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин" деган нақл бор. Шуни инобатга оладиган бўлсак, ҳофиз ҳофизлигини, уста усталигини бажарса яхши натижаларга эришиш мумкин. Иккинчидан, бугунги томошабин эҳтиёжига мос асар яратиш кераклиги кўпгина кинорежиссёрлар эътиборидан четда қоляпти. Яқинда "Ромео ва Жульетта" фильми катта экранларда намойиш этилди. Тўғрисини айтганда, бу асар ҳам одамлар орасида тўлақонли меҳр уйғота олмади. Чунки, фильм гарчи замонавийлаштирилган бўлса-да, у томошабин кутганидек бўлиб чиқмади. Фикримча, бугун орамизда йўқолиб бораётган меҳр-оқибат, эркакларимиздан узоқлашаётган рашк ва бошқа шу каби хислатларни улуғловчи асарларга мурожаат қилиш вақти етди, чамамда.

— Кўпчилик сизни театр ва кино санъатининг дарғалари Шукур Бурҳонов ва Обид Юнусовнинг дуосини олган дейишади.

— Энг катта бахтим ҳам шу бўлса керак. Халқимизда "Ота-она ва устозлар дуосини олган инсон икки дунё саодатига сазовор бўлади" деган гап бор. Бу борада мен ҳар иккала устозимнинг калтакларини ҳам еганман, дуоларини ҳам олганман. Айниқса, раҳматли Шукур Бурҳоновнинг Эркин Комилов бўлиб етишишимда хизматлари катта бўлган. Ҳар бир образимнинг томошабинга ишончли ва таъсирли бўлишини мен улардан ўрганганман. Кўзларимга қараб: "Кўзларинг тирик, одам бўласан" деб далда берган пайтларини жуда кўп эслайман.

— Кейинги авлод бўлмиш шогирдларингиздан қайси бирининг истеъдодини эътироф этасиз?

— Улар кўпчилик. Саида Раметова, Тоҳир Саидов, Фатҳулла Маъсудов, Абдурайим Абдуваҳобов, Меҳриддин Раҳматов каби издошларим билан ғурурланаман.

— Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Еттита фарзандим бор. Беш қизимни узатганман. Азизбек ўғлим талаба, кенжатойим Авазбек эса 3-синфда ўқийди.

«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси телевидение ва радио фахрийси Мирсолиҳ Мирагзамовга рафиқаси **Азизахон МИРАГЗАМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг Ижро назоратини кузатиш бўлими бошлиғи Хонзода Аҳмедовага падари бузруквори **МАҲМУД отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси институтнинг Эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси профессори Бахтиёр Сайфуллаевич Сайфуллаевга падари бузруквори **САЙФУЛЛА отанинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика синов ва сертификатлаштириш маркази жамоаси меҳнат фахрийси **Маҳмуджон Ходжиевич МИРЗАМУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 21.00 12345